

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

2015 йил 2 январь кунини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2015 йил 2 январь жума куни дам олиш кунини деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 132-моддасига асосан техник ишлаб чиқариш ва бошқа шароитларга кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ҳолатларда ишлашга йўл қўйилсин.

Бажарилган ишлар учун компенсация ва ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 157-моддасига мувофиқ амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2014 йил 26 декабрь.

2014 йил – Соғлом бола йили

АЙТИШГА АРЗИГУЛИК ИШЛАРИМИЗ БОР...

Одамзот мудом ўзини тафтиш қилиб яшайди. Амалга оширган, баъзи улгуролмай қолган ишлари учун энг аввал ўзига ҳисоб беради. Зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиш ҳам инсонга хос хислат. Шу маънода мамлакатимиз раҳбарининг инсонпарварлик тамойиллари асосидаги оқил сиёсатига оғишмай амал қилаётган масъуллар одатдагидек эски йил адоғи, Янги йил оstonасида ортига бир кур назар ташлаб, саяё-ҳаракатлари натижасини сарҳисоб қилади...

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси мутаассаддилари ҳам ўз меҳнатлари самарасидан мамнун. Бу ҳақда бошқармаси бошлиғи Хуршид Тошпўлатов шундай дейди:

– Юртимизда соҳа ривожига берилаётган катта эътибор туфайли вилоятимизда ҳам маданият ва спорт ишлари кўлами кенг, самараси салмоқли. Вилоят ҳокимлигининг 2013-2018 йилларда маданият ва аҳоли дам олиш марказларини босқучма-босқуч мукаммал таъмирлаш ҳамда жиҳозлашнинг манзилли рўйхати тасдиқланди, улар учун талаб этиладиган 80 та бино маданият ва спорт ишлари бўлимлари тасарруфига ўтказилди. Уларни қайта ва мукаммал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш учун маҳаллий бюджетдан 31 млрд. 305 млн. сўм маблағ ажратилди. Жумладан, 2013 йилда мукаммал таъмирланган Ангрен шаҳридаги "Дукент",

Зангиота тумани "Марказий" ва "Келес" маданият ва аҳоли дам олиш марказлари учун 1 млрд. 291 млн. сўм маблағ сарфланди. Соғлом бола йилининг баҳорида бу объектлар тўлиқ ишга туширилди. Йил давомида 11 та маданият ва аҳоли дам олиш марказининг мукаммал таъмири учун жами 4 млрд. 5 млн. сўм ажратилди. Бугунги кунда Паркент туманида "Гулбў", "Шампан", "Сў-қок", "Чанги", Охангарон туманида маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ишга туширилди. Аммо, ҳали қилинадиган ишларимиз кўп. Кексаларни эъзозлаш йилида ҳам вилоятимиз аҳолисининг кўнгилли дам олишлари, ёшларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланиш, соғлом ҳаёт кечиришлари учун муносиб шароит яратишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Брифинг

САЙЛОВЛАР ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов натижаларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Брифингда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов миллий сайлов қонунчилиги талабларига, унда мустақимлаб қўйилган очиклик, ошқоралик ва муқобиллик каби демократик тамойилларга тўлиқ мос ҳолда ўтказилди. Марказий сайлов комиссиясига сайлов яқунларига таъсир қилиши мумкин бўлган сайлов тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилганлиги юзасидан маълумот ва муурожаатлар тушмаганлиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича тузилган 135 та сайлов округидан 127 тасида битта депутатлик мандати учун 4 нафардан номзод, 8 тасида 3 нафардан номзод кураш олиб борди. Мамлакатимиз бўйича сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 18 миллион 490 минг 245 нафари ёки 88,94 фоизи иштирок этди.

Овоз бериш натижаларига кўра, 113 та сайлов округида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлардан 47 нафар Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-

демократик партиясидан, 28 нафари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан, 21 нафари Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан ва 17 нафари Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг вакиллари бўлиб, 128 нафар депутатнинг 38 нафари олдинги қақариқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари бўлган. Шунингдек, сайлов кунини Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Конференциясида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати сайланди.

Шунингдек, брифингда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 22 та сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур овозни тўплай олмаганлиги қайд этилди. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссиясининг маъмур округларда 2015 йилнинг 4 январь кунини тақрибий овоз беришга тайёргарлик қўриши ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинганлиги маълум қилинди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 26 декабрь кунини бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда эълон қилинди. Мажлисини Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси, "Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг

қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2014 йилнинг 26 декабрдан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганини эълон қилди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини 2015 йил 29 март кунини деб белгилаш тўғрисида

лар дастури ҳам тасдиқланди.

Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Марказий сайлов комиссияси, ташкил этиладиган сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунларга қатъий мувофиқ равишда очик ва ошқора амалга оширилиши таъкидланди.

Шунингдек, Марказий сайлов

комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу марказ Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уйда жойлашган.

Шу кунини Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Ў.А.

Яхши сўз – жон озиғи



ТААССУРОТЛАРИМИЗ БИР ОЛАМ

Мустақил диёримиз аҳли Янги, 2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили арасидаги турибди. Бекиёс хурсандчилик онлари билан қадрдон бўлиб қолган Соғлом бола йили сўнгги бекатида яқинлашмоқда. Шу шукуҳли кунларда биз – бир гуруҳ водийликлар, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарёдан келган ўқитувчилар, тадбиркорлар пойтахт вилоятининг "Ботаника" ситхатгоҳида дам олаётимиз. Бу ердаги шарт-шароитлар, айниқса, меҳр-оқибатли шифокору ҳамширалар, умуман, барча ходимлар-

нинг ҳушмуомаласи ҳаммамизга маъқул бўлди. Кечагина давлатимиз раҳбари навбатдаги йилимизни "Кексаларни эъзозлаш йили" деб атаганларида кўнглимиз тоғдек кўтарилган эди. Ҳозирданок бунинг исботини кўриб тургандекимиз. Ёш, ғайратли шифокор Тўра Аҳмедов раҳбарлигидаги жамоа аъзоларидан миннатдоримиз. Хар тонг мусавфалик, бағрикенглик, самимиийликдан масрур, дорилармон кунлар шарофатида, мустақиллик неъматларига шукроналар айтмиз.

Келгуси йили яна келишни ният

қилиб қўйдик. Бизга ҳар кунги муолажалар, айниқса, маданий ҳордиқ жуда манзур бўлаяпти. Тошкентнинг гўзал ва сўлим масканлари, тарихий-меъморий обидалар, қадамжоларга саёхатлар, кўнгилочар концерт дастурлари учун ситхатгоҳнинг маънавият-маданият бўлими бошқарувчиси, тиниб-тинчимас Ботиржон Тожибоева алоҳида раҳмат айтгимиз келди.

Янги – Кексаларни эъзозлаш йили барчамиз учун кутлуг бўлсин!
Тожибар ҚОЗОҚОВА,
ўқитувчи, меҳнат фахрийси.

Эътироф

МЕҲМОН ТАЪРИФИ БЕЖИЗ ЭМАС

Бир неча йил аввал Зангиота туманидаги Алишер Навоий маҳалласига бир гуруҳ япониялик меҳмонлар таъриф буюришган эди. Делегация бошлиғи Фуэда Такойошнинг ўзбек маҳаллаларига берган таърифи кечагидек ёдимда: "Мен жуда кўп хорижий мамлакатларда бўлганман. Лекин бирортаси ҳали менда Ўзбекистондагичалик чуқур таассурот қолдирмаганим. Маҳаллаларимиз ободлиги, хонадон ва оилалардаги саранжом-сарихшталлик, одамларнинг оққўнчилиги, самимиияти, меҳмонларга ҳурмат-эҳтиромим мени ҳақ қолдирди. Очиги, бу соҳада сизлардан кўп нарсга ўрганасан арзийди".

Дарҳақиқат, ўзбек маҳаллалари халқимизнинг қадриятлари, урф-одат, аънаналари, миллатимизнинг ажиб хислатларининг ўзиде акс эттирган гўша. Шундан бўлса керак, сўнгги йилларда мамлакатимизда маҳалла институтини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ташкил этган матбуот анжумани йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланди. Унда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди мутасаддилари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.

"Маҳалла институтининг самарали фаолият юритишига кўмаклашиш чоратадбирлари, эришилган натижа ва муаммолар" мавзусидаги анжуманда фуқаролар йиғинларининг самарали фаолият юритиши, уларнинг ишини тўғри ташкил этишга шарт-шароит яратиш хусусида сўз борди. Шунингдек, маҳаллаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш ва ўқув адабиётлар билан таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Сўз олганлар бу йил 873 та фуқаролар йиғинига компьютер жамламаси, 920 тасига янги жиҳозлар берилгани ва 19 та маҳалла идоралари янгидан қурилгани, 627



таси намунали ҳолга келтирилганини қайд этдилар.

Тадбир давомида журналистлар ўртасида эълон қилинган "Истиқлол – гурурим, маҳаллам – фахрим" кўрик-танлови ғолиб ва совриндорлари аниқланди. Ғолиблар орасида тахририятимиз вакили, тажрибали ҳамкасбимиз Сайёра Рихсиева ҳам борлиги барчамизни қувонтирди.

– Оилавий бахтга эришининг етти қалити бор дейишади, – дейди Сайёра Рихсиева. – Бироқ, қалитларни қўлга

киритиш осон эмас. Бунинг учун интилиш, излаш, ҳаёт тажрибаси керак бўларкан. Бугунги мукофот иҳодимга эътибор эканини ҳис қилиб турибман. Ўзбек маҳаллаларининг тўб моҳиятини инсонларга етказиб беришга оз бўлсада ҳисса қўшганимдан мамнунман. Барча ҳамкасбларимни кириб келаётган Янги йил – янги орузлар билан табриклайман.

Ирода НОҒБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Сарҳисоб

Поёнига етаётган Соғлом бола йили мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз турмуш тарзида ўзига хос из қолдираётгани шубҳасиз. Негаки, айнан шу йилда Президентимиз раҳнамолигида йилнинг асосий мазмун-моҳиятини белгиловчи Давлат дастури қабул қилиниб, изчиллик билан рўёбга чиқарилди. Бу аҳамиятини ҳеч нарсга билан ўлчаб, қийслаб бўлмайдиган вазифа – ҳар жиҳатдан етук ва баркамол авлоднинг тарбиялаш масалаларига алоҳида кўлам ва устуворлик бахш этди.

КўЛАМИ КЕНГ, ИЖРОСИ МУКАММАЛ

Куни кеча вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ташкил этган навбатдаги матбуот анжумани шу устувор вазифалар – "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг вилоятдаги ижросига бағишланди. Вилоят, туман ва шаҳар газеталарининг муҳаррирлари, соҳа мутасаддилари, шунингдек, мамлакатимиздаги етакчи оммавий ахборот воситаларининг худудий вакиллари иштирок этган анжумани вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева олиб борди.

Қайд этилганидек, давлатимиз мустақилликка эришган илк давларданок эртаимиз давомчилири учун замонавий билим, касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка йўналтириш, шунингдек, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олишни кўзда тутувчи долзарб дастурлар амалга ошириляётди. "Соғлом бола" – соғлом бола" таъминоти ҳаётиимизга чуқур кириб бораётгани самараларини бугун бутун дунё эътироф этмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Матбуот анжуманида "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда 7 та бўлим, 101 банддан иборат вилоят худудий дастури ишлаб чиқилгани ва уни амалга оширишда жойлардаги давлат ва нодавлат ташкилотлари иштироки ҳал қилувчи аҳамият касб этгани, вилоят адлия, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, матбуот ва ахборот бошқармалари, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг иштироки, айниқса, салмоқли бўлгани таъкидланди. Дастур рўёбиде, шунингдек, вилоятдаги қатор нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят худудий бўлими, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний", "Меҳр-шафқат ва саломатлик", "Соғлом авлод" каби жамағаролар билан қилинган узвий ҳамкорлик муҳим ўрин тутди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра шу йилнинг 11 ойида дастурий вазифалар ижроси учун барча манбалардан 440 миллиард 416 миллион сўм, шунингдек, 2 миллион 201 минг АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилиб, белгиланган вазифалар 127,5 фоизга бажарилгани эътироф этилди. Жойларда 5 та мусика ва санъат мактаби, 9 та спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Чирчиқ шаҳридаги вилоят кўп тармоқли болалар шифохонаси тубдан реконструкция қилиниб, мукаммал шарт-шароитлар, энг замонавий ташхис ва даволаш анжомларига эга бўлди. Ёш оилалар учун мўлжалланган "Қамолот" уйлари ва дастлабкиларига эгаларига тортиқ этилди. Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида қиймати 1 миллиард 475 миллион сўмликдан кўпроқ бўлган 26 та замонавий гузаллик салони барпо этилди. Бундан ташқари, дастур доирасида соғлом ва баркамол авлод манфаатларини кўзда тутувчи, вояга етмаганлар билан ишлаш тизимини такомиллаштирувчи бир қатор қонун ҳамда меъёрий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди. Жойлардаги 1158 та маҳалла фуқаролар йиғини, 127 та касб-ҳунар коллежи, 800 дан зиёд умумтаълим мактабларида ёшларни турмушга тайёрлаш, эрта никоҳнинг олдини олиш, ўсимлар бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган маърифий учрашувлар, семинар-машғулотлар ўтказилди. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, бандлигини таъминлаш, оилавий муносабатларга доир қўллаб-қувватловчи масалаларни ҳал этишда вилоятда фаолият йўлга қўйилган "Аёллар маслаҳат маркази"нинг аҳамияти катта бўлаяпти. Мактабга тарбия муассасаларида ташкил этилган "Зумрадйоллар давраси" эса қизалоқларимизни юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Анжуманда бундай эзгу ва хайрли ишлар кириб келаётган Кексаларни эъзозлаш йилида ҳам изчил давом эттирилиши ва янги мазмун билан бойиши алоҳида қайд этилди. Дастур ижросига масъул бўлган бошқарма ва ташкилот раҳбарлари журналистларни қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоб қайтаришди.

Шерзод ШУҲРАТОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қарорига асосан, 2014 йил 21 декабрда ўтказилган сайлов натижаларига кўра Тошкент вилоятидан қуйидагилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб рўйхатга олинди:

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган органининг номи, партияга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1.	АБДУКАДИРОВ Дониёр Хусанович	1981	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, партиясиз	Тошкент шаҳар ҳўжалик суди судьяси	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани	81-Зангиота сайлов округи
2.	КОШЕЛАПОВА Людмила Викторовна	1959	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси	Тошкент вилояти Қибрай тумани "Родничок" ННТ раҳбари	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	87-Қибрай сайлов округи
3.	КУШЕРБАЕВ Расул Хидралиевич	1987	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	"Янгийўл" ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани	88-Янгийўл сайлов округи
4.	НАЗИРҚУЛОВ Атахм Ахаткулович	1966	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Акциядорлик тижорат банки "Қишлоқ қурилиш банк" бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	82-Олмалиқ сайлов округи
5.	ПАК Виктор Николаевич	1958	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистондаги корейс миллий-маданий марказлари ассоциацияси раиси	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	84-Тўйтепа сайлов округи
6.	САИДАХМЕТОВА Нилуфар Закиржоновна	1978	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги иқтисодиёт қонунчилиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	79-Бўка сайлов округи
7.	ТАДЖИЕВ Одилжон Патихджонович	1984	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси	"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти Кенгаши раиси	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	85-Чиноз сайлов округи
8.	ТОХТАЕВА Муҳаббат Абдуллаевна	1963	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	80-Бўстонлиқ сайлов округи
9.	ТУЛЯКОВ Элдор Собиржонович	1986	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги тадқиқот марказининг бош консультанти	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	86-Чирчиқ сайлов округи
10.	ТУРСУНБАЕВ Шўхрат Мирайимович	1970	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани	83-Паркент сайлов округи
11.	ЮНУСОВА Алия Тўйгуновна	1961	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	77-Ангрен сайлов округи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Тошкент вилояти бўйича сайланган депутат:

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи	Маъмурий-худудий бирлик
1.	САМОЙЛОВ Сергей Владимирович	1952	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича Тошкент вилоятининг 78-Бекобод ва 89-Дўстобод сайлов округларида 2015 йил 4 январь куни такрорий овоз бериш ўтказилади.

Тошкент вилояти сайлов комиссиясининг қарори

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 41, 45, 46-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 2014 йил 21 декабрда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтган деб ҳисоблансин.
- Сайлов жараёнларида овоз бериш натижалари тўғрисидаги округ сайлов комиссиялари баённомаларига асосан қуйидагилар Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига депутат этиб рўйхатга олинсин:

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партиявий-лиги	Иш жойи ва лавозими	Тураржойи	Қайси сайлов округидан сайланган
1	АБДУВАСИКОВ Абдуазиз Абдулазизович	1978	ЎзХДП	Тошкент Давлат аграр университети маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори	Тошкент шаҳри	18-Бўстон сайлов округи
2	АБДУЛЛАЕВ Нурмуҳамат Нурматович	1952	ЎзХДП	Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Зангиота тумани бошқаруви раиси	Зангиота тумани	24-Ўзғариш сайлов округи
3	АБЛАЕВА Екатерина Сергеевна	1981	"Адолат" СДП	Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти "Спорт менежменти ва иқтисодиёт" кафедраси катта ўқитувчиси	Тошкент шаҳри	52-Янгибозор сайлов округи
4	АЛМАТОВ Одил Турабекович	1965	"Адолат" СДП	"Бекободцемент" очик акциядорлик жамияти аспирация майдони бошлиғи	Бекобод тумани	48-Истиқлол сайлов округи
5	АТЕМОВ Ускенбай Бусинович	1956	ЎзХДП	Юқори Чирчиқ тумани ҳокими	Тошкент шаҳри	54-Жумабозор сайлов округи
6	БАРАТОВА Сайёра Рахматовна	1960	О'зЛиДеР	Юқори Чирчиқ тумани марказий поликлиникаси мудираси	Юқори Чирчиқ тумани	53-Дўстлик сайлов округи
7	БЕРДИЯРОВА Саида Абдумаликовна	1969	"Адолат" СДП	Қуйи Чирчиқ тумани ижтимоий-иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори	Қуйи Чирчиқ тумани	33-Дўстобод сайлов округи
8	ВАРИСОВА Максуда Азизовна	1961	ЎзХДП	Зангиота тумани "Назарбек" кишлоқ врачлик пункти мудир	Тошкент шаҳри	23-Эшонгузар сайлов округи
9	ГУЛАМОВ Мирқамол Миржалалович	1983	ЎзХДП	Чиноз тумани "Ғуломов Мирқамол" фермер ҳўжалиғи раҳбари	Чиноз тумани	50-Олмазор сайлов округи
10	ДЖАББАРОВ Абдухалик Абдукаримович	1963	О'зЛиДеР	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри	14-Бекобод сайлов округи
11	ЁҚУБХОНОВ Юнусхон Равшанхонович	1977	О'зЛиДеР	Тошкент вилояти ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи	Паркент тумани	11-Саноатчилар сайлов округи
12	ЖАББОРОВА Барно Манавовна	1963	О'зЛиДеР	Бўка тумани агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи директор ўринбосари	Бўка тумани	17-Бўка сайлов округи
13	ЗОХИДОВ Асом Ақромович	1956	ЎзХДП	Зангиота тумани "MEHNAT GROUP" корхонаси бош директори	Тошкент шаҳри	26-Юнусобод сайлов округи
14	ИСАКОВ Олимжон Ядгарович	1964	О'зЛиДеР	"Chinoz textile" корхонаси кадрлар бўлими раҳбари	Чиноз тумани	60-Шўралисой сайлов округи
15	ИСЛАМОВ Шомурад Яшинвич	1971	О'зЛиДеР	"Товилтрансстерминал" автомобилларда йўловчи ва юк ташувчилар ҳамда автотерминаллар уюшмаси раиси	Тошкент шаҳри	19-Ғазалкент сайлов округи
16	КАСИМОВА Кизилгул Эрматовна	1963	ЎзХДП	Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи	Олмалиқ шаҳри	9-Кимёгар сайлов округи
17	КАСИМОВ Бахтияр Закирович	1959	"Адолат" СДП	Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори	Тошкент шаҳри	35-Олимкент сайлов округи
18	КАРИЕВА Мунира Джураевна	1957	ЎзМТДП	"JURABEK LABORATORIES" ўзбек-араб қўшма корхонаси раҳбари	Тошкент шаҳри	46-Қорасув сайлов округи
19	КОРАБОЕВА Насиба Абдуқаҳхаровна	1970	ЎзМТДП	Ўзбекистон "Қизил Ярим ой жамияти" Тошкент вилояти ташкилоти раиси	Чиноз тумани	51-Эски Тошкент сайлов округи
20	КУРБАНОВ Абдусаттар Абдуҳамидович	1958	О'зЛиДеР	"Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси "Янги-Ангрен иссиқлик электр станцияси" очик акциядорлик жамияти станция смена бошлиғи	Оҳангарон тумани	2-Талабалар сайлов округи
21	МАКСУМОВ Машраб Салижанович	1957	О'зЛиДеР	Бўстонлиқ туманидаги "Спорт плюс беш бола" масъулияти чекланган жамияти раиси	Бўстонлиқ тумани	21-Чорбоғ сайлов округи
22	МАХМУДОВА Гулнора Гуломназаровна	1964	О'зЛиДеР	Республика "Тадбиркор аёл" уюшмаси раҳбари	Тошкент шаҳри	22-Назарбек сайлов округи
23	МИРЗАСАИДОВА Дильшод	1946	ЎзХДП	Паркент тумани "Марказий" маҳалла фуқаролар йиғини диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи	Паркент тумани	42-Заркент сайлов округи
24	МУХАМЕДОВА Зарафат Мирахматовна	1967	О'зЛиДеР	О'зЛиДеР Қибрай туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари	Қибрай тумани	29-Ўнқўрғон сайлов округи
25	МУТАЛОВ Абдукарим Анвар ўғли	1976	О'зЛиДеР	Қибрай тумани фермерлар кенгаши раиси	Қибрай тумани	30-Чинобод сайлов округи
26	НАСИРОВ Ренат Усманович	1954	О'зЛиДеР	"Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очик акциядорлик жамияти Қалмоққир кон бошқармаси Шарқий карьеры бошлиғи	Олмалиқ шаҳри	7-Наврўз сайлов округи
27	НАЗАРОВ Абдурахман Абдусаматович	1963	Партиясиз ("Адолат" СДПдан)	Юқори Чирчиқ тумани "UZGERMED PHARM" МЧЖ ҚҚ раҳбари ўринбосари	Тошкент шаҳри	45-Қумовул сайлов округи
28	НОРОВ Раҳмонберди Раҳимбердиевич	1979	Партиясиз (О'зЛиДеРдан)	Тошкент вилояти минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи	Бўстонлиқ тумани	55-Янгийўл сайлов округи
29	НОРБЎТАЕВ Равшан Мамарайимович	1972	ЎзХДП	Янгийўл тумани ҳокими	Чиноз тумани	58-Ниёзбош сайлов округи
30	НУРУТДИНОВ Алик Саидович	1957	ЎзХДП	"Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти бош директори – бошқарув раиси	Тошкент шаҳри	5-Металлург сайлов округи
31	НУРОВ Зокиржон Тоймасович	1972	ЎзХДП	Паркент тумани тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори	Паркент тумани	40-Паркент сайлов округи
32	ПИРМАТОВ Рашид Хусанович	1964	О'зЛиДеР	"Ўзбекистон металлургия комбинати" очик акциядорлик жамияти муҳандислик маркази раҳбари – бош муҳандис ўринбосари	Бекобод тумани	15-Зафар сайлов округи
33	РАХМАНОВ Ибрагимжон Абсаматович	1970	ЎзМТДП	Ангрен шаҳар ҳокими	Тошкент шаҳри	1-Ангрен сайлов округи
34	РАХИМОВА Дилфуза Болтабоевна	1970	О'зЛиДеР	Қибрай тумани 4-мактаб директори	Қибрай тумани	28-Қизғалдоқ сайлов округи
35	САИДАКАСИМОВ Эркин	1941	О'зЛиДеР	Қуйи Чирчиқ тумани "Саидқасим" фермер ҳўжалиғи раҳбари	Қуйи Чирчиқ тумани	34-Ўзбекистон сайлов округи
36	САНОҚУЛОВА Дилбар Жўраевна	1953	"Адолат" СДП	Оҳангарон тумани "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси	Оҳангарон тумани	38-Телов сайлов округи
37	САИДАКАРИМОВ Музаффар Уринходжаевич	1974	ЎзХДП	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Оҳангарон туман кенгаши раиси	Оҳангарон шаҳри	39-Оҳангарон сайлов округи
38	САИДОВ Тоҳир Тўланбаевич	1981	О'зЛиДеР	Якка тартибдаги тадбиркор	Зангиота тумани	59-Гулбаҳор сайлов округи
39	САЙДАХМЕДОВ Хотам Анварович	1957	О'зЛиДеР	"Максам-Чирчиқ" очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси	Чирчиқ шаҳри	13-Трансформаторчилар сайлов округи
40	САЛИХОВ Шерзод Абдуҳакимович	1982	О'зЛиДеР	Зангиота тумани "Навойи-миришкор" агрофирмаси раҳбари	Зангиота тумани	20-Искандар сайлов округи
41	САЙДУЛЛАЕВ Абдуҷапар Кадинович	1960	ЎзМТДП	Ангрен шаҳар "3-қўчма механизациялашган колонна" масъулияти чекланган жамияти раиси	Ангрен шаҳри	3-Нурчи сайлов округи
42	СИДИКОВ Дамир Лутфуллаевич	1970	ЎзХДП	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари бўлимида доимий асосда ишловчи сенатор	Қибрай тумани	10-Чирчиқ сайлов округи
43	ТАШХОДЖАЕВ Рустам Саидходжаевич	1975	О'зЛиДеР	Қибрай тумани "SHARIPHON-BIZNES" масъулияти чекланган жамияти тижорат ишлари бўйича директор ўринбосари	Қибрай тумани	31-Янгиобод сайлов округи
44	ТУЙЧИЕВ Алим Исмаилович	1965	ЎзХДП	"Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти электрда пўлат эритиш цехи пўлат эритувчиси	Бекобод шаҳри	6-Фарход сайлов округи
45	УСМАНОВ Аҳмад Тўғилович	1957	О'зЛиДеР	Тошкент вилояти ҳокими	Тошкент шаҳри	27-Келес сайлов округи
46	УСМАНОВА Дилбар Саидмаҳмудовна	1960	О'зЛиДеР	"Фарход Мадад" масъулияти чекланган жамияти шифохонаси менежери	Тошкент шаҳри	32-Байтўрғон сайлов округи
47	УМИРЗАКОВ Шўнқар Умарович	1959	О'зЛиДеР	"Сарвар-Азиз-Умарзода-рамзи" фермер ҳўжалиғи раҳбари, О'зЛиДеР Оҳангарон тумани Кенгаши раиси	Оҳангарон тумани	37-Қорахитой сайлов округи
48	ФАРМАНОВ Александр Касимович	1958	О'зЛиДеР	"Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати" ОАЖ бошқаруви раиси – бош директори	Бекобод шаҳри	8-Олмалиқ сайлов округи
49	ҲАМИДОВА Қамола Тоҳировна	1977	"Адолат" СДП	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри	12-Кимёгарлар сайлов округи
50	ҲАКИМОВА Зулфия Хурматовна	1974	ЎзМТДП	Зангиота тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли "Н. Боймуҳамедов" ҚВП мудир	Зангиота тумани	25-Ўртаовул сайлов округи
51	ҲАСАНОВА Нарғиза Омонқуловна	1973	"Адолат" СДП	Оққўрғон тумани 78-сонли ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернат директори	Оққўрғон тумани	36-Оққўрғон сайлов округи
52	ХУДАЙБЕРГАНОВ Аҳмадали	1953	ЎзХДП	Чиноз тумани "33-ҳўжалиқлараро механизациялашган қўчма колонна" МЧЖ раиси	Чиноз тумани	49-Чиноз сайлов округи
53	ХУСАНБОЕВ Мурод Ўктамович	1970	"Адолат" СДП	"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Тошкент филиали директори	Тошкент шаҳри	56-Янги ҳаёт сайлов округи
54	ШАУМАРОВ Умид Хикматович	1979	"Адолат" СДП	Ўрта Чирчиқ тумани "Тўйтепа-Агро-Макс" масъулияти чекланган жамияти директори	Тошкент шаҳри	47-Тўйтепа сайлов округи
55	ШОДИМЕТОВ Қамолжон	1950	"Адолат" СДП	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши раиси	Тошкент шаҳри	57-Йўғонтепа сайлов округи
56	ЭРАЛИЕВА Зарифа Ашуровна	1962	"Адолат" СДП	Тошкент вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри	4-Қончи сайлов округи
57	ЭРМАТОВ Хожимурот Дадашевич	1954	О'зЛиДеР	Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раиси	Паркент тумани	41-Бойқозон сайлов округи
58	ЭРҒАШХОДЖАЕВ Исламджан Джасурович	1970	ЎзХДП	Пискент тумани ҳокими	Тошкент шаҳри	44-Қориз сайлов округи
59	ҚУРБОНОВ Бахтиёр Дехқонович	1975	О'зЛиДеР	Тошкент вилояти "Чирчиқ-Оҳангарон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи	Пискент тумани	16-Далварзин сайлов округи
60	ҚУРБОНОВА Марҳабо Адҳамовна	1956	ЎзМТДП	Пискент тумани 1-умумтаълим мактаби директори	Пискент тумани	43-Пискент сайлов округи

Вилоят сайлов комиссияси раиси

У. АБДУШОҲИДОВ.

Тошкент шаҳри, 2014 йил 22 декабрь.

Йўлингиз бехатар бўлсин

МАСТЛИК КАСОФАТИ

Инсоннинг бирламчи душмани — ўз нафси. Уни тиёлмаслик киши бошига турли кўргилик, хўрлик, жабру сита ва бошқа фожиаларни солиши мумкин. Бугун биз нафсни тиёлмаслик оқибатида келиб чиқадиغان, фожиалар ҳақида аниқ мисоллар асосида фикр юритмоқчимизки, шояд бу ҳодисалар келгусида рўй бериши мумкин бўлган ҳалокатлардан ақали битагинасининг олдини олса, бошқаларга сабоқ бўлса...



довчиси қарашлик сабабли автомобилни қарши йўналишда бурди ва... рўпарадан келаётган "Нексия" билан юзма-юз тўқнашди.

Бугунги айтишга тил бормаиди, ёзишга қалам юрмайди: "Жигули"даги 11 яшар Сарвар, тўрт ёшли Салима, "Нексия"даги 62 ёшли Лидия қасалхонага боргунча бу ёруғ дунёдан кўз юмдилар. "BA3-2106" ва "Нексия" ҳайдовчилари, яна икки йўловчи аёл оғир тан жароҳатлари билан туман шифохонасига ётқизилди.

Алкоголли ичимликнинг инсон жисмига таъсири натижа-сида ҳар қандай кишининг хушёрлиги пасайиши ҳаммага, айниқса, ҳайдовчига жуда яхши маълум. Шунин билан туриб, машина бошқаришдан олдин нафсни тиёлмаслик ёки ичиб олиб, ақлсизларча "ботирлик" қилиш йўлда бир умрга етгунлик ғам-ғуссали фожиани келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида афсуски, ҳамма ҳам ўйлайвермайди.

Мана бу ҳодиса ҳам Тўйтепа — Тошкент йўналишида 2014 йил 27 апрелда содир бўлган. "Нексия" ҳайдовчиси кечқурун маст ҳолда йўлга чиққан. Бунинг устига ҳайдовчида на ишонч қогози, на йўл варақаси

бўлган. Автомобилни аҳоли яшаш жойида белгиланган 70 километр тезликдан ошириб, қарши йўналишда келаётган "BA3-21011" автомобили билан тўқнашув содир этган. Оқибатда "BA3-21011" авто-машинасидаги 23 яшар ҳайдовчи ва 24 ёшли йўловчи йи-гит Республика шойлинин тез тиббий ёрдам илмий маркази шифохонасида вафот этди.

Яна бир мисол. Шу йил 28 август кунин кечқурун

Ғазалкентдан Чирчиқ шаҳрига йўлга чиққан "Нексия" ҳай-довчиси маст ҳолда тезликини ошириб, қарама-қарши йўна-лишга чиққан ва машиналар ўтиб кетишини кутиб турган икки қизни уриб юборган. Улар шу кунгек қасалхонада жон бердилар.

Энди айтингчи, юқоридаги учта автоҳалокат оқибатида бу ёруғ дунёни тарк этган икки норасида гўдак, икки навқирон йиғит ва ўн гулидан бир гули очилмаган қизларнинг ва икки бечора аёлнинг гуноҳи нима эди? Ҳеч шубҳасиз, агар юқори-да келтирилган мисоллардаги ҳайдовчилар нафсини тийгани-да ёки ичиб олганидан кейин машина бошқаришдан ўзини тўхтатганида фожиалар рўй бермаган бўларди.

Ҳа, маст ҳайдовчи билан жи-ноятнинг ўртасида дақиқаю со-нилар бор ҳолос. Бунинг ун-майлик!

Карим РАИМЖОНОВ,
вилоят ички ишлар
бошқармаси тергов
бошқармаси бўлими
бошлиғи,
Аскар ХҲҲАЕВ,
"Шайхонтоҳур адвокатлари"
адвокатлар ҳайъати
адвокати.

Аҳоли бандлигини таъмин-ловчи кичик бизнес ва хусу-сий тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётининг муҳим бўғи-нига айланган. Бугунги кун-да иш билан банд аҳоли да-ромадининг 70 фоиздан ор-тиғи айнан кичик бизнес ҳисобига тўғри келмоқда. Шу боис, тадбиркорлар ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш тегишли ҳуқуқ-тартибот идоралари-нинг устувор вазифасидир.

ТАДБИРКОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожланти-риш ва уларга яратилаётган шарт-шароитларни ўрганиш мақсадида жойларда очиқ му-лоқотлар ўтказилмоқда. Тадбир-корлик субъектларининг йўлига ғов бўлиш, фаолиятига асоссиз аралашуш ҳамда уларга нисба-тан таъмагирлик қилиш нафа-қат тадбиркорликка, балки иқти-содий раванқимизга қарши но-жўя ҳаракат ҳисобланади. Зеро, тадбиркорлик кенг ривож топ-ган юрт халқи, албатта, бой бўлади. Демак, тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кў-риш, айбдор шахсларга нисба-тан тегишли прокурор назора-ти ҳужжатларини қўллаш, аниқ-ланган қонунбузилиш ҳолатла-рини бартараф этиш асосий йўналишларимиздандир.

Ғолибжон ҲАЙДАРОВ,
республика Бош
прокуратураси ҳузуридаги
солиқ, валютага оид
жиноятларга ва жиноий
даромадларни
легаллаштиришга қарши
куралиш Департаменти вилоят
бўлими ходими.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Ангрендаги 1-оилавий поликлиникада 15 шифокор ва кўплаб ҳамширалар ҳудуддаги 33 мингдан зиёд аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. 27 минг 209 фуқаро кўриқдан ўтказилиб, касаллик аниқланганларни даво-лаш чоралари кўрилди.

Кексалар, имконияти чеклан-ганлар ҳам четда қолмади. Поли-клиника ходимлари оналар ва бо-лалар, ҳриладор аёллар, ўсмир, кексалар соғлигидан мунтазам ха-бардор бўлиб туришибди.


— Соғлом бола йилида тиббий

кўриқлар ўтказишга алоҳида эъти-бор қаратдик, — дейди бош ши-фокор Пардагул Рисбекова. — Шу билан бирга болалар саломатли-ги учун муҳим саналган мактаб, мактабгача таълим муассасалари ошхоналаридаги санитария ҳола-

ти, таъминот сифатини мутасад-ди идоралар билан бирга назор-рат қилиб бораёямиз.

Поликлиника жихозлари "Са-ломатлик — 3" лойиҳаси асосида берилган. Моддий-техник база-си ҳам мустаҳкам. Таҳлилхона, УЗИ, рентген аппаратлари ёрда-мида беморларга тўғри ташхис қўйилмоқда.

Муқаддас ИСРОИЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.



ИСПАНИЯ МАЛИКАСИ ТЕРГОВДА

Испания қироли Фелипе VI рож-дество байрами муносабати билан му-рожаатномасида мамлакатда авж ол-ган коррупция иллатини танқид қилиб, қонун олдида барча баробар эканини алоҳида таъкидлагани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.

"Коррупция масаласида масъул ла-возимларда ишлаб турганларга нисба-тан ҳеч қандай хайрихоҳлик бўлиши мумкин эмас. Давлат органларидаги хизмат мансаби амалдорлар учун бо-йиш воситасига айланмаслиги керак", деди қирол. У яна таъкидладики, ко-рупцияга алоқадорлиги фош этилган мансабдорлар сўзсиз жавобгарликка тортилдилар.

Қирол шу мавзунинг тилга олишидан икки кун аввал унинг синглиси — малика Кристина солиқ соҳасидаги жиноятлари туфайли судда жавоб бериши маълум бўлди. Бироқ, Фелипе VI ўз мурожаат-номасида синглиси номини тилга олма-ди. Гап шундаки, Кристинанинг нотижо-рат ташкилот раҳбари бўлган эри Ин-ьяки Урдангарин юқори лавозимли ки-шилар билан яқин муносабатидан фой-даланиб, йирик тадбирни ташкил этиш ҳақида манфаатли битим тузган. Бунда у лойиҳа қўйишга олириб кўрсатган ва шундан толган пулларини офшор банк ҳисоб-рақамларига ўтказган.

ИШСИЗЛИК РЕКОРД ДАРАЖАГА ЕТДИ

ВВС тарқатган хабарда айтилишича, Францияда иш-сизлик рекорд даражага кўтарилиб, 3 миллион 488 минг 300 кишига етди.

Агентлигининг таъкидлаши-ча, бу шу пайтгача мамлакатда рўйхатга олинган энг юқори даражадаги ишсизликдир. Франция иқтисодиёт вазирини Европа иттифоқини АҚШнинг буюк турғунлиқ давридаги ҳолатига қиёслади. Бандлик марказларида иш сўраб муро-жаат қилаётганлар сонини кейинги уч ой давомида кетма-кет ўсганига қарамай, расмий башоратларга кўра, келгуси йилда мамлакат иқтисодиёти-нинг ўсиш суръати 0,4 фоизга

тенг бўлади ҳолос. ВВС таъкидлаганидек, мам-лакат президенти Франсуа Олланд сайлов кампанияси даврида кўплаб янги иш ўринларини яратиш ўз дасту-рининг асосий йўналиши экани-ни айтганди. У яна, агар бунга эриша олмаса 2017 йил-даги президент сайловлари-да ўз номзодини қўймоқчи эмаслигини таъкидлаган эди. Ҳозирги кунда Франция иқти-содиёти оғир вазиятни бош-дан кечирмоқда.

КЎЧА ТЎЛА... ДОЛЛАР

Гонконгнинг бош шоссесиде бораётган усти ёпиқ ма-шинанинг очиқ қолган орқа эшигидан икки миллион доллар жойланган қалин қозғоқ кути тушиб қолиб, пул-лар сочилиб кетди, деб ёзади AFP агентлиги.

Шундан сўнг шоссенинг қанчаси йиғиб олинди, қан-шу қисмида том маънода тўс-тўполон бошланди. Транспорт ҳаракати тўсилиб қолди. Чунки такси ҳайдов-чилари, йўловчилар, шахсий машина эгалари шамолда тўзиб ётган долларларни иложи борича кўпроқ йи-ғишга киришиб кетдилар. Бундан хабар толган поли-ция ходимлари махсус кийим ва қуроллар билан воқеа жойига етиб келдилар. Уларнинг берган маълумот-ларга қараганда, ҳозиргача икки миллион долларнинг

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

«ROSSI A. S.»

Ўзбек-болгар кўшма корхонаси

азиз юртдошларимизни кумуш қишининг зийнати —

Янги йил байрами билан самимий тилаклар ила муборакбод этади.

Сизларга бахту саодат, оилавий фаровонлик, мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр тилайди. Азиз диёримиздан файзу барака ҳеч қачон аримасин, фарзандларимиз камолини кўриш ҳаммамизга насиб этсин.

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ кимовиди савдоларига ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Кимовиди савдоларига туман захира ерлари ҳисобига олинган ер майдон-лариди фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш мақсадида қўйидаги "Ўзумзор" ва "Богзор"лар қўйилмоқда.

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Зангиота" қ.ф.й., "Зангиота" агро-фирмаси ҳудудида жойлашган "ZANGIOTA-XONXUJAEV ZIYAUTDIN AGRO" фермер ҳўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 6,65 гектардаги 1,78 гектар "Богзор" ва 3,55 гектар "Ўзумзор", бошланғич баҳоси — 5 284 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Чувалачи" қ.ф.й., "А.Навоий мириш-кор" агрофирмаси ҳудудида жойлаш-ган "BEKMUROD OMAD YULDUZI" фер-мер ҳўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 2,68 гектардаги 2,53 гектар "Богзор", бошланғич баҳоси — 1 789 000 сўм.

Кимовиди савдоси 2015 йил 27 ян-

варь қўни соат 11.00 да Тошкент ша-ҳар, Бўхоро қўчаси, 10-уй, Биржа Мар-кази биносиди бўлиб ўтади. Ушбу кун-да сотилмай қолган "Богзор" ва "Ўзум-зор"нинг такрорий савдоси 2015 йил-нинг 10 февраль кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Кимовиди савдосиди иш-тирок этиш истагини билдирган шахс-лар "Закалат пули тўғрисидаги кели-шуви"ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақами-га, МФО 01101, СТИР 301743808 тўлашлари лозим.

Кимовиди савдосиди қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни топ-шириши керак:

кимовиди савдосиди иштирок этиш учун икки нусхадаги бюртманнома; за-

калат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;

юрдик шахслар учун — давлат рўйх-атидан ўтказилганлиқ тўғрисидаги гувоҳ-номанинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белги-ланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этга-нида қонун билан белгиланган тартиб-да расмийлаштирилган ишончнома.

Маъмур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кўнида соат 9.00 дан 18.00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бўхоро қўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдо белгиланган кундан 1 (бир) кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtor@service@mail.ru, 147-40-00 теле-фон рақами орқали олишингиз мумкин. RR — № 0008.

ЧП "OPEN IT SOLUTION" (ИНН 207177520) сообшчаёт об уменьшении уставного фонда с 278 500 000 сум до 65 000 сум. Телефон: 362-55-33.

"PLATINA LEASING" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ мухр ҳамда бурчак тамғаси йўқол-ганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"DIPU TEXTILE" МЧЖнинг устав жамғармаси 206 688 000 сўмдан 9 354 153 сўмга ка-майишини маълум қилади.

"TRANS ENERGO KABEL" МЧЖнинг устав жамғармаси 520 000 000 сўмдан 132 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Тошкент вилояти та-биатни муҳофаза қилиш кўмитаси биносига те-гишли бўлган кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИ-НАДИ. Кўмитанинг юридик манзили: Тош-кент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 5-тор кўчаси, 15-уй.

Олмазор тумани ТСПҲИ томонидан рўйхатга олинган "A'LO ORZU SERVIS" МЧЖнинг мулкчилик шакли оилавий корхонага ўзгаришини маълум қила-ди. Телефон: 519-93-02.

Олмазор тумани ТСПҲИ томонидан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор "Арипов Фар-рухжон Кабилджанович" га тегишли бўлган бир дон думалоқ мухр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани ТСПҲИ томонидан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор "Миррахимов Орифжон Олимжон ўғли" га тегишли бўлган гу-воҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Зангиота тумани ТСПҲИ томонидан гувоҳнома ра-қами № 4998 билан рўйхатга олинган "HALOL SUT AGRO" МЧЖнинг устав жамғармаси 2 374 985 825 (икки миллиард уч юз етмиш тўрт миллион тўққиз юз саксон беш миң саккиз юз йигирма беш) сўмдан 5 000 000 (беш миллион) сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: (+99890) 367-30-04.

ЧП "GOLDEN EAST" (ИНН 205193979, ОКПО 19743424), зарегистрированное ИПСР Сергелий-ского района г. Ташкента за реестр № 000263-06 от 11.08.2004 г., расположенное по адресу: массив Сергели-2, ул. Кора йули, дом 13 сооб-щает о своей реорганизации путем преобразова-ния в ООО "GOLDEN EAST". ООО "GOLDEN EAST" является правопреемником по всем пра-вам и обязанностям ЧП "GOLDEN EAST". Пре-тензии принимаются в течение трех месяцев со дня опубликования объявления по телефону: (+99894) 630-06-66.

ООО "SAID YUNUS" (ИНН 302690193) Мирзо Улуғбекского ра-йона сообшчаёт об уменьшении ус-тавного фонда предприятия с 82 288 436 сум до 71 700 319 сум.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСПҲИ то-монидан 25.12.2014 йилда № 007992-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SAMDAR DESIGN" МЧЖ Тош-кент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳоки-мияти ҳузуридаги ТСПҲИ томонидан 12.12.2010 йилда № 003879-09 ре-естр рақами билан рўйхатга олинган "SAM-DAR-MEBEL-SAVDO" МЧЖни ўз сафига бирлаштириб олишини маълум қилади. "SAMDAR DESIGN" МЧЖ "SAM-DAR-MEBEL-SAVDO" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСПҲИ томо-нидан 10.12.2014 йилда № 009643-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "MED OPTIMAL PLUS" МЧЖ Тошкент шаҳар Учтепа тумани ҳокимияти ҳузу-ридаги ТСПҲИ томонидан 11.09.2008 йилда № 002414-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган "RUSTAM SHIFO QO'RG'ONI" МЧЖни ўз сафига бирлаштириб олишини маълум қила-ди. "MED OPTIMAL PLUS" МЧЖ "RUSTAM SHIFO QO'RG'ONI" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ

2014 йил декабрь ойида ўтказилган очиқ кимовиди савдо-си натижаларини маълум қилади!

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Туркистон" қ.ф.й., А.Икромов массиви ҳудудида жойлашган "TURKISTON-ASL BOG'LARI" фермер ҳўжалигидан туман захира ерлари ҳис-обига олинган 12,69 гектардаги 10,28 гектар "Богзор". Бош-ланғич баҳоси — 8 753 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 11 378 900 сўм.

2. Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Туркистон" қ.ф.й., "Иттифок" массивидаги "ИТТИФОҚ АХРОРОВА ЛОБАРХОН"

фермер ҳўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 17,70 гектарда жойлашган 5,43 гектар "Богзор" ва 5,32 гектар "Ўзумзор". Бошланғич баҳоси — 12 399 210 сўм. Сотилиш баҳоси — 15 400 000 сўм.

3. Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Бўзсув" қ.ф.й., "М.Улуғбек" массивидаги "ZANGIOTA MEVASABZAVOT AGRO" фермер ҳўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 9,36 гектарда жойлашган 8,68 гектар "Богзор". Бошланғич баҳоси — 10 887 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 14 170 000 сўм. RR — № 0008.

Табрик ва эълонлар

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси вилоятимиз аҳлини кириб келаётган

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили



билан самимий муборакбод этади.
Хонадонингизга тинчлик-тотувлик,
файзу барака, тўкин-сочинлик
тилайди. Озод ва обод Ватанимиз
равнақи йўлида амалга ошираётган
эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин!



Зангиота туман халқ таълими
муассасалари фаолиятини методик
таъминлаш ва ташкил этиш бўлими

барча юртдошларимизни
кириб келаётган

Янги — 2015 йил билан

чин қалбдан қутлайди.

Янги йил ҳар бир хонадон ва ҳар
бир оилага қувончу шодиёна,
бахт-саодат олиб келсин!

Огоҳлик

ХОТИРЖАМЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Юртимизда Янги йил шукуҳи кезмокда. Ҳар қадамда болаларнинг шўх-шодон ўйин-кутилари ва кўтаринки муҳит мужассам. Бу юртимиздаги тинчлик ва оқойиш-талиқдан далолатдир.

Шукроналар бўлсинки, шу барқарорлик, хотиржамлик сабабли фарзандларимиз энг замонавий билим масканларида тахсил олиб, ўзлари ис-таган касб ва ҳунарларни эгаллашмоқда. Ҳар ким ўз орзу интилишларини кундалик турмуши билан эмин-эркин маш-гул. Қолаверса, биз кекса ав-лод ҳам уларнинг сазой-ҳара-катларига муваффақият тилаб, ҳаёт наҳидасини сурмоқ-дамиз.

Минг афсуски, бугунги кун-да шу оқойишталлигимизни, қўлга киритилаётган зафарла-римизни кўролмайдиғанлар, хотиржамлигимизга раҳна со-луви айрим кучлар ҳам йўқ эмас. Дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу чеккасида турли кўнгилсиз-ликлар бўлиб турибди. Хай-

риятки, ҳукуматимиз амалга ошираётган оқилона сазой-ҳаракатлар туфайли юртимиз бундай кўнгилсизликлардан холи.

Лекин, шунинг билан чикар-маслигимиз шартки, тинч ва оқойишта кунларда хотиржам-ликка берилиш ва лоқайд бўлишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Доимо ҳушёр ва оғоҳ бўлишимиз, воқеликлар-га ҳолисона баҳо беришимиз, айниқса, байрам кунларида каттаю-кичик фуқаролик маж-буриятимизни чуқур ҳис эти-шимиз зарур. Ойларимиз, юртимиз тинч бўлса, иқтисо-диётимиз янада равнақ топа-ди. Зеро, тинчлик ва хотир-жамликдан бебаҳо неъмат йўқ.

Вазифа НАСРИДДИНОВА,
меҳнат фахрийси.

Семинар

“Ўздавнефтегазинспекция” ви-лоят ҳудудий бўлими вилоят ҳокимлигида ўтказган семинар-да ёқилги-мойлаш ашҳдарини сотишда ёнғин ва хавфсизлик техникаси қондаларига амал қилиш ҳамда автомобилларга газ тўлдириш компрессор ша-хобчаларининг техник талаблар-га мослиги, улардан фойдала-ниш регламентига риоя этиш масалалари атрофида муҳока-ма қилинди.

ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Шунингдек, ҳудудий технолог-лардан автомобиль баллонларини сиклган ва суялтирилган газ би-лан тўлдиришдан аввал автотранс-портни қайта жиҳозлашга рухсат берилгани ҳақидаги ҳужжат ва ав-тотранспортнинг техник паспорти-да давлат автомобиль назорати белгиси мавжудлигини шохобча-нинг масъул ходимлари доимий назоратга олганлари ҳамда ходим-лар учун ўз вазифалари бўйича қайта инструктаж ўтказилгани тўғри-сида қатъий қарар олинди.

Жамол САЛИМОВ,
“Ўздавнефтегазинспекция”
вилоят ҳудудий бўлими
етакчи мутахассиси.

“КО’Р ТАРМОҚЛИ КО’СНМАС МУЛК САВДО” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига 1) Тош-кент шаҳри Бектемир тумани СИБ томонидан ЖИБ М.Улуғбек тумани судининг 26.02.2013 йилдаги 1-13-13-сонли икромараксига асосан тақдим этилган: бошлан-ғич нархи - 280 005 437 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Х.Бой-қаро 1-тор кўчаси, 2-А ўйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 895,0 кв.м., қурилиш остидаги участка майдони 461,49 кв.м., биноларнинг умумий фой-даланиш майдони 370,0 кв.м., яшаш май-донини 122,0 кв.м.дан иборат бўлган “Ту-рарқой (хонли)”; 2) Тошкент шаҳар Шай-хонтоҳур тумани СИБ томонидан, 23.08.2013 йилдаги №2-88-13-сонли икромараксига асосан, бошланғич нархи - 127 300 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Шай-

хонтоҳур тумани, Чилонзор Оқтепа (собиқ Боснин) кўчаси, 15-ўйда жойлашган, ум-умий фойдаланиш майдони 57,73 кв.м., яшаш майдони 41,23 кв.м.ли 3 та яшаш хонасидан иборат бўлган 6-хонадон “Ту-рарқой”. Такрорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 13 январь кўни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Бери-ний кўчаси, 83-ўйда жойлашган 311-хона-да бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талаб-горлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фон-дизин кам бўлмаган миқдорда заҳилат пурини “КО’Р ТАРМОҚЛИ КО’СНМАС МУЛК САВДО” МЧЖнинг АТИБ “Ипотека банк” Шайхонтоҳур филиалдаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Уважаемые предприниматели и бизнесмены!

ООО “Межбанковский центр риэлторских услуг Ассоциации банков Узбекистана” сообщает о том, что в декабре-месяце 2014 года на открытых аукционных торгах были реализованы следующие объекты:

1. Фруктовый сад, деревья яб-лони в количестве 1400 шт и де-ревья сливы в количестве 4000 шт., посаженные на 25 га земли, принадлежавшие ФХ “Кибрай Ку-конов Рузмат”, расположенные по адресу: Ташкентская область, Ки-брайский район, ФХ “Кибрай Ку-конов Рузмат”. Стартовая цена - 25 500 000 (двадцать пять мил-лионов пятьсот тысяч) сум. Цена реализации - 29 325 000 (двад-цать девять миллионов триста двадцать пять тысяч) сум.

2. Фруктовый сад, деревья яб-лони в количестве 150 шт. и де-ревья сливы в количестве 460 шт., посаженные на 5,0 га зем-ли, принадлежавшие ФХ “Кибрай Туманов Равшан”. Объект распо-ложен по адресу: Ташкентская область, Кибрайский район, ССГ Ок Ковок, ФХ “Кибрай Туманов Равшан”. Стартовая цена - 5 914 000 (пять миллионов девятьсот сорок тысяч) сум. Цена реализации - 6 801 100 (шесть миллионов восемьсот одна тыся-ча сто) сум.

Мурожат учун манзил: Тошкент ша-ҳар, Олмазор тумани, Бериный кўчаси, 83-ўй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.
Лицензия: № 0039.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манъилимиз:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

e-mail:

th.tp@mail.ru

Қабулхона:

Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).

233-12-83, 233-48-08.

233-56-03, 233-65-59.

233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва

ахборот бoshқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
рўйхатта олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»

таҳририяти компьютер марказида

терили ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Ҳасанбой САЎДУЛЛАЕВ

Навбатчи

Хуршида ТУРСУНБОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ